

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **39-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(903)**
ТЎПЛАМИ **2019 йил**
30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

718. «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ–5834-сон Фармони
719. «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ–5837-сон Фармони
720. «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ–4463-сон қарори
721. «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ–4464-сон қарори

Учинчи бўлим

722. «Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 799-сон қарори
723. «Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 806-сон қарори
724. «Адвокатлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 807-сон қарори

Бешинчи бўлим

725. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғининг 2019 йил 30 августдаги 5-сон «Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185*)
726. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги 2019-53-сон «Акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2712-1*)
727. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 13 сентябрдаги 902-сон «Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2144-2*)
728. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 12 сентябрдаги 7-2019-сон «Абитуриентлар томонидан олий

таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-3*)

729. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 421-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3090-1*)
730. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 422-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3081-1*)
731. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 423-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3152-1*)
732. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 203-мх, 16, 96-сон «Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2541-3*)
733. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги 2019-55-сон «Айирбошладиган қимматли қоғозларни жойлаштириш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 351-4*)
734. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/2-сон «Фавқулодда ҳолатларда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 798-1*)
735. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/3-сон «Фавқулодда вазиятларда банк операцияларини ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини ўз

- кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 799-1*)
736. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 428-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-3*)
737. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 429-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2604-3*)
738. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 430-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1177-3*)
739. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/12-сон «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1044-3*)
740. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/13-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-2*)
741. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 433-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-6*)

742. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 27 сентябрдаги 434-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 525-9*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 21 сентябрдан 27 сентябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

718 Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юртишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўтган давр мобайнида архив иши ва иш юртиш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишда ижобий натижаларга эришилди ҳамда муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди, Миллий архив фонди Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлари билан бойитилди.

Шу билан бирга, таҳлил ва ўрганиш натижалари архив иши ва иш юртиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, давлат архивларининг моддий-техника базасини яхшилаш, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий механизмларини қўллаш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юртиш соҳасида давлат бошқаруви ва назоратини такомиллаштириш, қоғоз шаклидаги, кино, фото ва фоно ҳужжатларини рақамлаштиришни янада жадаллаштириш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятида шаклландиган бошқарув (иш юртиш)га оид, илмий-техникавий ва бошқа ҳужжатларнинг архив сақловига топширилишида ҳамда ўрнатилган тартибда йўқ қилинишида уларнинг электрон ва Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми ҳужжатларининг суғурта нусхалари талаб этилади.

3. Агентлик:

а) 2020 йил 1 июнгача Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда давлат архивларида сақланаётган тарихий давр

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

(1917 йилгача) архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда махфийликдан чиқариш бўйича чораларни кўрсин;

б) 2020 йил 1 июнгача Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда қуйидаги давлат хизматларини Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилишини жорий қилсин:

ўқиганликни тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини бериш;

иш стажини тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини бериш;

иш ҳақини тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини бериш;

араб алифбосида яратилган туркий, форсий ва арабча ҳужжатлардаги ахборотлар бўйича аннотация маълумотларини тайёрлаб бериш;

архив ҳужжатлари, китоблар ва қўлёзмаларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш);

в) уч ой муддатда:

доимий сақловга олинадиган ҳужжатлар таркибини оптимизация қилиш;

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисмини доимий сақлаш ҳуқуқи берилган вазирликлар, идоралар, тармоқ давлат фондлари ва ташкилотлар рўйхатини қисқартириш;

архив иши жараёнларини тўлиқ қамраб олувчи ва интерактив кидирув имкониятлари мавжуд бўлган «Архив иши» ягона ахборот тизими яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

г) 2021 йил 1 январгача давлат архивларида сақланаётган фондларни хатловдан ўтказиб, улар ҳақида тегишли маълумотларни қамраб олган маълумотлар базасини яратсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган архив маълумотномаларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

4. Агентликнинг 2020 йил 1 январдан бошлаб архив иши соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатиш муддатларини иловага* мувофиқ қисқартириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган ваколатли давлат органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик директори ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентликнинг ҳудудий архив иши бошқармалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш Агентлик директори томонидан тегишлича Қорақалпоғис-

тон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

6. Қуйидагилар тузилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви негизида Ўзбекистон Миллий архиви;

Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви негизида Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви;

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви негизида Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви;

Тошкент шаҳар давлат архиви негизида Тошкент шаҳар марказий давлат архиви;

Агентлик ҳузурида муассаса шаклида Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази;

Агентлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Архив ишини ривожлантириш жамғармаси.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Миллий архиви Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архивининг, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви Ўзбекистон Республикаси Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивининг, Тошкент шаҳар марказий давлат архиви Тошкент шаҳар давлат архивининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

7. Қуйидагилар архив иши ва иш юритиш соҳасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

архив иши ва иш юритиш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини босқичма-босқич рақамлаштириш ва суғурта нусхаларини яратиш;

архив ҳужжатларини махфийликдан чиқариш ишларини фаоллаштириш орқали архив ахборотларидан фойдаланувчилар сонини кенгайтириш;

архив хизматларини босқичма-босқич Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилишини ташкил этиш;

архивларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда инфратузилмасини янада модернизация қилиш, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

архив иши ва иш юритиш соҳасидаги ходимларини танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш йўли билан кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойилларини жорий қилиш;

соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишнинг илғор ва шаффоф механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2020 йил 1 мартгача республика шаҳарлари ва туманлари ҳокимликлари томонидан тузилган шахсий таркиб бўйича идоралараро архивларни Агентлик идоравий бўйсунувига ўтказсин ва улар негизида шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларини ташкил этсин.

Белгилансинки, шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивлари фаолиятини молиялаштириш:

хўжалик фаолиятини амалга оширишдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

9. Агентлик 2023 йил 1 январгача босқичма-босқич давлат архивлари сақловида бўлган шахсий таркиб ҳужжатларини шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларига ўтказиш чораларини кўрсин.

10. Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда бўш турган давлат мулки объектлари, шунингдек, реконструкция қилиниши ва мукаммал таъмирланиши лозим бўлган давлат архивларининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотларини хатловдан ўтказиб, уларнинг рўйхатини тузсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар шахсий таркиб бўйича давлат архивларини давлат-хусусий шериклик асосидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивларига айлантириш чораларини кўриб чиқсин.

11. Агентлик бир ой муддатда:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Агентлик фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 сентябрь,
ПФ-5834-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги
ПФ–5834-сон Фармони
ИЛОВА

**2020 йил 1 январдан бошлаб архив иши соҳасидаги
кўрсатиш муддатлари қисқартирилаётган
давлат хизматлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Давлат хизмати нинг номи	Давлат хизмати нинг кўрсатиш муддати
1.	Ташкилотлар иш юритишида хужжатларни ташкил этиш бўйича ички меъёрий ва услубий хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг хужжатлар билан ишлаш бўйича фаолиятини ўрганиш.	Хизмат сўров ёки расмий хат давлат архивига келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида кўрсатилади. Қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда хизмат 20 кун ичида кўрсатилади.
2.	Араб алифбосида яратилган туркий, форсий ва арабча хужжатлардаги ахборотлар бўйича аннотация маълумотларини тайёрлаб бериш.	Хизмат сўров ёки расмий хатлар давлат архивига келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида кўрсатилади. Қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда хизмат 15 кун ичида кўрсатилади.
3.	Архив хужжатлари, кигоблар ва қўлёзмаларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	Хизмат сўров ёки расмий хатлар давлат архивига келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида кўрсатилади. Қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда хизмат 20 кун ичида кўрсатилади.
4.	Архив хужжатларидан фойдаланиш.	Хизмат сўров ёки расмий хатлар давлат архивига келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида кўрсатилади. Қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда хизмат 15 кун ичида кўрсатилади.
5.	Рақамлаштирилган (электрон нусхаси олинган) хужжатларнинг электрон базасини яратиш.	Хизмат сўров ёки расмий хатлар давлат архивига келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида кўрсатилади. Қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда хизмат 20 кун ичида кўрсатилади.
6.	Хужжатлар ва китобларни таъмирлаш, тикиш, муқовалаш ва уларга қайта ишлов бериш.	Хизмат сўров ёки расмий хатлар давлат архивига келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида кўрсатилади. Қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда хизмат 15 кун ичида кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**719 Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида солиқ юкини камайтириш ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишдаги номутаносибликларни қисқартириш бўйича чоралар амалга оширилди.

Истеъмол бозорининг барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғининг узлуксиз «занжири»ни шакллантириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилсин.

2. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришнинг амалдаги тартиби бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳасида давлат солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни «таҳлика-таҳлил» натижалари ва олдини олиш чораларини кўриш асосида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тартиби белгиланишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда:

давлат корхоналари, устав жамғармаси (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав жамғармаси (устав капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилишини;

дивиденд шаклидаги тўланадиган даромадларга солиқ ставкасини сақлаб қолган ҳолда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасининг 15 фоиз миқдорида белгиланишини;

қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибининг бекор қилинишини назарда тутсин.

4. Белгилансинки, илгари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобига тўланган ягона солиқ тўлови суммаси 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини ташкил этсин.

6. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Фуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 сентябрь,
ПФ–5837-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги
ПФ–5837-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига 2019 йил 1 октябрдан киритиладиган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ–5019-сон Фармонининг 6¹-бандидан «Бунда, бўш ётган маблағларни тижорат банклариغا жойлаштиришдан олинган фойзалар кўринишидаги даромадлар солиққа тортилмайди» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5095-сон Фармонининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Жамғарма, тўлов манбаидаги юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан ташқари барча солиқлардан озод қилинсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5715-сон Фармонининг 13-бандидаги «2020 йилнинг 1 январига қадар» сўзларидан олдин «2019 йил 1 январдан» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги «Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3060-сон қарорининг 2-илоvasи 24-банди еттинчи хатбошисидаги «Бунда Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларида жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинадиган даромадларига солиқ солинмайди» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3279-сон қарорининг 8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Қуйидагилар белгилансин:

«Bek cluster» МЧЖ ҚҚ ўз таркибига кирувчи ташкилотларнинг сўмдаги маблағларини жамлаши ва бу маблағларни молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун улар ўртасида тақсимлаши мумкин;

«Bek cluster» МЧЖ ҚҚ ва ташкилотлари ҳамда ташкилотларнинг ўзлари ўртасидаги, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш бўйича айланмалар билан боғлиқ бўлмаган, олинадиган ва бериладиган пул маблағлари ва мол-мулк, шунингдек, соф фойдани тақсимлаш солиққа тортиш объекти (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) ҳисобланмайди.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига 2018 йил 1 октябрдан кейин фермер хўжаликларига берилган мол-мулкни товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи билан ўтказишни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3416-сон қарорининг 8-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ягона ижтимоий тўлов ва тўлов манбаидаги юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан ташқари барча турдаги солиқлардан;».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3927-сон қарорининг 9-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамғарма, ягона ижтимоий тўлов ва тўлов манбаидаги юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан ташқари барча турдаги солиқлардан;».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсат-

кичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ–4086-сон қарорининг 19-илоvasи матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган
(кўрсатиладиган), акциз тўланадиган товарларга
(хизматларга) акциз солиғи
СТАВКАЛАРИ**

Товарлар (хизматлар)нинг номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан фоизда	ўлчов бирлигига сўмда
1. Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси (1 дал учун)		10 800
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун):		
табiiй равишда ачитилган табiiй винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)		7 700
бошқа винолар		14 500
3. Коньяк (1 дал тайёр маҳсулот учун)		102 000*
4. Ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун)		98 000**
5. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)		10 600
6. Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар		14 1 500 сўм/1000 дона + 9,0 фоиз***
7. Заргарлик буюмлари	25	
8. Мобиль алоқа хизматлари	20	
9. Қумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
10. Нефть маҳсулотлари:		
Аи-80 бензини		200 000 сўм/тонна
Аи-91, Аи-92, Аи-93, Аи-95 бензини		250 000 сўм/тонна
дизель ёқилғиси		200 000 сўм/тонна
ЭКО дизель ёқилғиси		180 000 сўм/тонна
авиакеросин		180 000 сўм/тонна
дизель ёки карбюратор (инжектор)ли двигателлар учун мотор мойи		250 000 сўм/тонна
11. Табiiй газ, шу жумладан, экспорт ¹	20	
12. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ («Ўзтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхоналари орқали аҳолига сотиладиган ҳажмлар бундан мустасно), шу жумладан, экспорт ¹	30	
13. Полиэтилен гранулалар	30	
14. Яқуний истеъмолчига реализация қилинадиган ² :		
бензин		285 сўм 1 литр учун / 378 480 сўм 1 тонна учун ⁽³⁾
дизель ёқилғиси		285 сўм 1 литр учун / 346 275 сўм 1 тонна учун ⁽³⁾
суюлтирилган газ		285 сўм 1 литр учун/ 540 645 сўм 1 тонна учун ⁽³⁾
сиқилган газ		435 сўм 1 куб. метр учун ⁽³⁾

* Спиртнинг ҳажмий улуши 40 фоиздан кўп бўлган коньякка акциз солиғи ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 152 400 сўм миқдорида белгиланади.

** Спиртнинг ҳажмий улуши 40 фоиздан кўп бўлган ароқ ва бошқа алкогольли маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 148 000 сўм миқдорида белгиланади.

*** Акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси натура ифодасидаги акциз тўланадиган товарлар ҳажмига нисбатан қўлланилади, акциз солиғининг адвалор ставкаси ишлаб чиқарувчининг акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган ҳолда реализация қилинган товарлар қийматида нисбатан қўлланилади.

Изоҳлар:

1. Табиий ва суюлтирилган газ бўйича акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

2. Ишлаб бериш учун берилган (даваль) хом ашёдан олинадиган бензин ва дизель ёқилғисига акциз солиғи ставкалари миқдори чакана реализация қилинган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг акциз солиғи ҳисобга олинган ҳолда бензин ва дизель ёқилғисининг чакана нархлари доирасида шакллантирилади. Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёдан даваль асосида ишлаб чиқариладиган бензин ва дизель ёқилғисининг ҳажми бўйича бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишга акциз солиғини тўловчилар, уни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

3. Бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни автомобилларга ёқилғи қўйиш станциялари орқали реализация қилишда акциз солиғи 1 литрдан келиб чиқиб, бошқа ҳолларда эса 1 тоннадан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4268-сон қарорининг 4-банди иккинчи хатбоииси «Белгилансинки,» сўзидан кейин «2019 йил 1 январдан» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**720 Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Агентликнинг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

бошқарув ходимларининг чекланган сони 20 нафардан иборат Агентлик марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармаларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) намунавий тузилмалари ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида 2020 — 2025 йилларда архив иши ва иш юритишни янада ривожлантириш дастури 4-иловага** мувофиқ;

2020 — 2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини қуриш дастури 5-иловага** мувофиқ;

2023 — 2025 йилларда давлат архивлари биноларини реконструкция қилиш дастури 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Агентлик марказий аппарати ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармалари тузилмасига қўшимча киритилаётган штат бирликлари тегишли бюджет ташкилотлари штат бирликлари сонини кераклигича қисқартирган ҳолда, уларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва назоратни амалга ошириш;

Миллий архив фондининг ҳужжатларини жамлаш, уларнинг сақланишини, давлат ҳисобига олинишини таъминлаш ва улардан кенг фойдаланиш;

давлат архивларини бошқариш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

архив хизматларини кўрсатишда нодавлат секторини янада ривожлантириш, архив иши соҳасида давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

** 1 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

архившунослик, археография, иш юритиш, электрон ҳужжат айланиши соҳасида илмий, методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютуқларини республика архивлари амалиётига жорий этиш;

замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда архив иши ва иш юритиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш тизимини шакллантириш;

архив иши ва иш юритиш соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, хорижий архивларда сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини олиб келиш.

3. Агентлик директорида қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари тузилмаларига бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида, уларга истисно тариқасида Архив ишини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаган ҳолда, жалб қилиш.

4. Белгилансинки, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари ўз ваколати доирасида архив ҳужжатларини топширишнинг, сақлашнинг, улардан фойдаланишнинг, худди шунингдек архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизматлар кўрсатишнинг белгиланган тартибини бузганлик ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида (кейинги ўринларда — Марказ):

архив иши ва иш юритишнинг замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар архивчи ва иш юритувчи кадрларини уч йилда камида бир марта малакасини ошириш;

бошқа соҳа мутахассисларининг архив иши ва иш юритиш бўйича билимларини ошириш юзасидан ўқишлар ташкил этиш;

архив иши ва иш юритишга оид республика ва халқаро миқёсда семинарлар, конференциялар, анжуманлар ташкил этиш;

архив иши ва иш юритиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш;

архивчи ва иш юритувчи кадрларнинг малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари амалга оширилади.

6. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

давлат архивлари пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадининг 20 фоизи миқдоридаги йиллик мажбурий ажратмалар;

Марказнинг пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадининг 30 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйишдан олинган даромадлар;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидагиларга сарфланади:

давлат архивларининг бинолари ва сақловхоналарини таъмирлаш ҳамда қуриш;

давлат архивларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва хавфсизлик тизимларини жорий қилиш;

хорижий давлатлардан Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини қайтариш;

архив иши соҳасида турли конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари ходимларини хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари ходимларига мамлакатда ва хориждаги хизмат сафарлари харажатларини тўлаб бериш;

Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирлар.

7. Агентлик директориға Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалар ходимларига асосий эгаллаб турган лавозимлари бўйича лавозим маошларига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

8. Белгилансинки, 2019 йил 1 октябрдан:

Агентлик марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффиценти 1,6 бараварга оширган ҳолда қўлланилади;

Агентлик марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ходимларига соҳада узоқ муддат хизмат қилгани учун иш ҳақиға устама ҳақ тўланади.

Ушбу бандни амалға ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги икки ой муддатда Ўзбекистон миллий архивлари биноси қурилиш даврида Агентликни давлат тасарруфидаги бўш турган объектларға вақтинчалик жойлаштиришға кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги;

архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби;

Архив ишини ривожлантириш жамғармаси;

Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

11. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 сентябрь,
ПҚ-4463-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

721 Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, қурилиш-ни жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ва қурилиш соҳасида давлат бошқарувининг самарали механизмлари жорий этилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар натижалари қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлашда бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, манфаатдор шахслар ва жамоатчилик қурилиш ишлари боришини кузатиш имкониятига эга эмас, маблағлардан нотўғри фойдаланиш, объектларни ўз вақтида топширмаслик, қурилишда паст сифатли материаллардан фойдаланиш, қурилиш ишларига соҳанинг мутахассиси бўлмаган ходимларни

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

жалб қилиш қурилиш ишларининг сифатсиз бажарилишига олиб келмоқда, республика бюджети маблағлари, мақсадли жамғармалар ва буюртмачиларнинг ортиқча харажатларига сабаб бўлмоқда.

Қурилиш вазирлиги моддий-техник базасининг талаб даражасида эмаслиги қурилиш соҳасидаги давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари бузилишига, жойлардаги қурилиш бошқармалари ва бўлинмаларининг фаолиятини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда.

Қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигининг:

Қурилиш вазирлиги фаолиятига «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини жорий этиш ва уни 2020 йил 1 июнга қадар Тошкент вилоятида марказлаштирилган молиялаштириш манбаларидан, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар (кейинги ўринларда — объектлар) қурилиши жараёнида тажриба тариқасида ишга тушириш;

тажриба натижаларига асосан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида реал вақт режимида ишлашини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 1 мартга қадар давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва маълумотларини жамоатчиликка онлайн режимда тақдим этиш имконини берувчи «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал)ни ишлаб чиқиш ва тест режимида ишга тушириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

объектларнинг манзилли дастури, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган объектларнинг йиллик манзилли рўйхати шакллантирилишини, маълумотлар базасини янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш объектлари бўйича турларга бўлиб юритилишини таъминлаш;

объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳудудий ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари томонидан лойиҳаолди ишларининг амалга оширилиши, буюртмачи билан лойиҳа ташкилоти ўртасида шартнома тузилиши ва аванс маблағлари ажратилиши ҳамда ишлар тугалланганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг мунтазам электрон базага киритиб борилиши ва юритилишини таъминлаш;

лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда буюртмачи ва

экспертиза ташкилоти ўртасида тузилган шартномалар, кўрсатилган хизматларнинг молиялаштирилганлиги, тугалланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлигига оид электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

объектлар қурилишини молиялаштиришда пудратчи билан буюртмачи ўртасида шартнома имзоланганлиги ва аванс маблағлари тўланганлиги, ойма-ой бажарилган ишларнинг ҳисоботини юритиш ва бажарилган ишларга нисбатан мутаносиб равишда молиялаштирилганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш;

объектлар қурилишида иштирок этаётган барча пудратчилар ва ёрдамчи пудратчилар ҳақида маълумотларни йиғиш, бажарилган иш ҳажмлари асосида тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, улар томонидан амалга оширилаётган иш турлари бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш;

объектларда қурилиш жараёнларини назорат ва мониторинг қилишда уларни рўйхатга олиш, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан амалга оширилаётган назорат текширувларини ва кўрсатиб ўтилган камчиликларни қайд этиш, уларни бартараф этиш бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими ҳамда «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал)-дан фойдаланиш регламенти лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

2020 йил 1 январга қадар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизimini ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича концепция ва техник топшириқ ишлаб чиқсин;

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими ва «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал)нинг белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминласин;

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал) билан интеграциялаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

4. Қурилиш соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилувчи ахборот тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

қурилиш соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимида коррупцияга

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қарши курашиш чораларини кучайтиришга қаратилган самарали «ижро этилиши юзасидан назорат» (compliance control) тизими жорий этилишини таъминлаш;

қурилиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари лойиҳаларида коррупцияга оид ҳолатларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш бўйича коррупцияга қарши экспертиза ўтказилишини ташкил этиш;

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими ҳамда «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал)ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тадбирлар режалари тасдиқланишини таъминлаш, мазкур тизимларни белгиланган муддатларда ишга туширилишини назорат қилиш;

қурилиш соҳасига ахборот тизимларини жорий этиш орқали коррупция, бюрократик тўсиқлар ва тизимли муаммоларни аниқлаш, уларни бар-тараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қурилиш соҳасининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида қурилиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларнинг белгиланган муддатларда ижро этилишини мониторинг қилиш;

қурилиш соҳасига ахборот тизимларини жорий этишда масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

жорий этилаётган ахборот тизимларининг жойларда самарали ишлашини ва қўлланилишининг ягона амалиётини таъминлаш;

қурилиш соҳасига ахборот технологияларининг жорий этилиши, шу жумладан уларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга таъсири бўйича маълумотларнинг кенг оммага етказилишини ташкил этиш.

Комиссия фаолият натижалари, шу жумладан ахборот тизимларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чорак яқунларига кўра ахборот киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг давлат муассасаси шаклидаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, қурилиш соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини юритиш ва қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва зарур дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

марказлаштирилган молиялаштириш манбаларидан, шу жумладан, ин-

вестиция лойиҳалари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларда қурилиш жараёнини мониторинг қилишни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини янгилаб бориш чораларини кўриш, уларнинг бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва унга қарши курашиш, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилишининг назоратини ва мониторингини амалга ошириш, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник инфратузилмани жорий этиш ва ривожлантириш;

ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қурилиш соҳасида иштирок этувчи идоралар ходимларининг билим ва кўникмасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

турли ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ягона серверини ташкил қилиш, юритиш ва ривожлантириш.

6. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
асосий фаолиятдан олинган даромадлар;
халқаро молия институтлари грантлари;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра 2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурлари ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари доирасида жами қурилиш харажатларининг 0,05 фоизи миқдоридаги маблағлар «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш учун объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича смета харажатларида назарда тутилади ҳамда буюртмачилар томонидан Марказ ҳисоб рақамига ўтказилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш учун харид қилинадиган компьютер техникаси, сервер қурилмалари, коммуникация ускуналари ва дастурий таъминот рўйхати 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

9. Давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат ташкилотлари раҳбарлари ўзларининг идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимига интеграция қилишни ва реал вақт режимида узлуксиз ишлашини таъминласин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги буюртмачининг бошқа харажатлари таснифига «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг асосий вазифаларини бажариш ҳамда объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш юзасидан белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қурилиш вазирлигининг 2020 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Қурилиш вазирлигига маблағлар ажратилиши жараёнида 2-иловага мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янгилаш учун зарур ускуналарни харид қилишни эътиборга олсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 сентябрь,
ПҚ-4464-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

722 Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон ва «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 1 июндаги ПҚ-3764-сон ҳамда «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари тўғрисида» 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарорларини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукукий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 сентябрь,
799-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 сентябрдаги 799-сон қарорига
ИЛОВА

**Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича
давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда Маъмурий регламент деб аталади) баҳоловчиларга тоифалар бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Маъмурий регламентда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

баҳоловчининг тоифаси — баҳоловчининг профессионал малака даражаси;

баҳоловчининг малака сертификати (кейинги ўринларда малака сертификати деб аталади) — жисмоний шахсга белгиланган тартибда мулкни баҳолаш ҳуқуқини берадиган ҳужжат;

баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотлари — Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси ва Ўзбекистон Баҳоловчилар жамияти;

Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси — юридик шахслар — баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга баҳолаш ташкилотларини бирлаштирадиган жамоат ташкилоти;

Баҳоловчилар жамияти — жисмоний шахслар — баҳоловчиларнинг малака сертификатига эга бўлган баҳоловчиларни бирлаштирадиган жамоат ташкилоти;

сертификатланган баҳоловчи (кейинги ўринларда баҳоловчи деб аталади) — баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда берилган баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

баҳоловчи тоифасига талабгор (кейинги ўринларда талабгор деб аталади) — баҳоловчи тоифасини олишга талабгор бўлган сертификатланган баҳоловчи;

баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги.

3. Ваколатли орган сертификатланган баҳоловчиларга қуйидаги тоифаларни беради:

иккинчи тоифали баҳоловчи;

биринчи тоифали баҳоловчи;

олий тоифали баҳоловчи.

Баҳоловчиларга тоифа мазкур Маъмурий регламентга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича берилади.

4. Талабгорлар баҳоловчи тоифаларини олиш учун қуйидаги мажбурий талабларга жавоб беришлари лозим:

иккинчи тоифа — тоифа берилиш вақтида баҳолаш ташкилотида баҳоловчи сифатида камида бир йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги, шунингдек, баҳолаш бўйича камида мустақил 15 та иш бажарилгани, шу жумладан баҳолашнинг турли объектларини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишончсиз деб топилган ҳисоботлар сони кўрсатилган ҳолда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича эксперт хулосаларининг мавжудлиги;

биринчи тоифа — тоифа берилиш вақтида баҳолаш ташкилотида баҳоловчи сифатида камида уч йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги, шунингдек, баҳолаш бўйича камида мустақил 25 та иш бажарилгани, шу жумладан баҳолашнинг турли объектларини, хусусан, бизнесни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишончсиз деб топилган ҳисоботлар сони кўрсатилган ҳолда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича эксперт хулосаларининг мавжудлиги;

олий тоифа — тоифа берилиш вақтида баҳолаш ташкилотида баҳоловчи сифатида камида беш йиллик иш тажрибасининг мавжудлиги, шунингдек, баҳолаш бўйича камида мустақил 35 та иш бажарилгани, шу жумладан баҳолашнинг турли объектларини, хусусан, бизнесни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишончсиз деб топилган ҳисоботлар сони кўрсатилган ҳолда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича эксперт хулосаларининг мавжудлиги.

2020 йил 1 январдан бошлаб, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилигини экспертизадан ўтказиш учун фақат биринчи ва олий тоифа баҳоловчилар жалб қилиниши мумкин.

2-боб. Тоифаларни бериш тартиби

5. Талабгор баҳоловчи тоифасини олиш учун ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади:

а) баҳолаш ташкилоти томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма;

б) талабгор ишлайдиган баҳолаш ташкилоти томонидан тасдиқланган, мазкур Маъмурий регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар реестри;

в) талабгор ишлайдиган баҳолаш ташкилоти томонидан тасдиқланган, мазкур Маъмурий регламентга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича эксперт хулосалари реестри;

г) баҳоловчи малака сертификатининг нусхаси;

д) Баҳоловчи тоифасини олиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ваколатли орган баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотидан талабгорга тавсифномани мустақил сўраб олади.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

6. Аризани кўриб чиқиш учун йиғим миқдори ваколатли органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

7. Талабгор ўз хоҳишига кўра ўзининг профессионал фаолияти ҳақида қўшимча маълумотларни ўз ичига олган қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши мумкин:

а) баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотига аъзолиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхасини;

б) мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар кириштиш бўйича ташаббускорлик тартибида таклифлар ишлаб чиқилганлиги ҳақидаги ахборотни;

в) янги стандартларни ишлаб чиқишда ва амалдаги мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда иштирок этганлиги ҳақидаги ахборотни;

г) оммавий ахборот воситаларидаги баҳолаш фаолияти масалалари бўйича мақолалар нусхалари, веб-сайтлардан скриншотлар ва бошқаларни;

д) ўзи иштирок этган ёки маъруза қилган баҳолаш фаолияти масалалари бўйича конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар материаллари;

е) хорижий ўқув марказларида баҳолаш фаолияти соҳасида малака ошириш курсларидан ўтганлиги ҳақида сертификатлар нусхалари;

ж) хорижда баҳолаш фаолияти бўйича конференциялардаги иштироки ҳақида сертификатлар нусхалари;

и) баҳолаш фаолияти соҳасидаги халқаро сертификатлар (RICS, TEGoVA, Appraisal Institute, ISO 17024, NAMA, CCIM Institute ва ҳ. к.) ҳамда ариза берилган санада сертификатнинг амал қилишини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (сертификатни берган ташкилот томонидан ёки унинг сайтидан скриншот билан тасдиқланган);

к) баҳолаш фаолияти бўйича фанлар ўтилганлиги ҳақида таълим муассасаларидан маълумотнома.

Талабгор, ўз хоҳишига кўра, ўзининг профессионал фаолиятини тавсифловчи бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этиши мумкин.

8. Ҳужжатлар талабгор томонидан ваколатли органга уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бирга почта ёки электрон алоқа воситасида етказиб берилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар талабгорнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Талабгорнинг аризасида унинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Аризада талабгор электрон манзилининг кўрсатилганлиги унинг ариза бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали хабарнома олишга розилигини англатади.

9. Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун талабгор қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

10. Ваколатли орган ариза келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида талабгорнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

11. Талабгорнинг аризасига мазкур Маъмурий регламентнинг 5-бандига мувофиқ илова қилинадиган ҳужжатлар тўплами тўлиқ эмаслиги аниқланса, талабгорнинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар талабгорга камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади.

Ариза қайтарилишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ёзма ёки электрон шаклдаги хабарнома талабгорга қарор қабул қилинган санадан кейин икки иш куни ичида юборилади.

12. Ҳужжатлари қайтарилган талабгор рад этиш учун сабаб бўлган камчиликларни бартараф этганидан сўнг мазкур Маъмурий регламентда белгиланган тартибда ваколатли органга ўн кун муддатда қайта мурожаат қилишга ҳақли.

Қайта мурожаат қилинганда, талабгордан қўшимча йиғим ундирилмайди.

13. Талабгор ўн кун муддат ўтгандан кейин такроран мурожаат қилган тақдирда, ариза янгитдан берилган деб ҳисобланади ва умумий асосларда кўриб чиқилади, йиғим суммаси эса қайтариб берилмайди.

14. Талабгорларга баҳоловчи тоифаси ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган камида етти нафар аъзодан иборат комиссия (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) томонидан берилади.

15. Ваколатли орган комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

16. Комиссия таркибига ваколатли органнинг учта вакили ҳамда Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси ва Ўзбекистон баҳоловчилар жамиятидан иккитадан вакил киради.

17. Комиссиянинг йиғилишлари талабгорлардан аризалар тушишига қараб, аммо бир ойда камида бир маротаба ўтказилади. Комиссия йиғилиши унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

18. Комиссия йиғилишларида талабгор томонидан тегишли тоифани олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилади.

Ҳар бир комиссия аъзоси мазкур Маъмурий регламентга 4-иловага* мувофиқ шаклда баҳолаш варақасини тўлдиради.

19. Тоифа бериш ҳақида ёки тоифа беришни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади.

Комиссия қабул қилган қарор талабгорга у қабул қилингандан кейин уч иш куни мобайнида ёзма ёки электрон шаклда хабарнома билан юборилади.

20. Талабгор мазкур Маъмурий регламентнинг 4-бандида белгиланган мажбурий талабларга жавоб берган тақдирда, комиссия томонидан талабгорга тоифа бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

21. Талабгорга тегишли баҳоловчи тоифасини бериш ҳақида қарор қабул қилинганда, унга ўн иш кунни мобайнида мазкур Маъмурий регламентга 5-иловада* келтирилган шаклда тоифа берилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади. Гувоҳнома ваколатли органнинг масъул шахси, Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси ва Ўзбекистон баҳоловчилар жамиятининг раислари томонидан имзоланади ҳамда ваколатли орган, Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси ва Ўзбекистон баҳоловчилар жамиятининг мухрлари билан тасдиқланади.

22. Баҳоловчи тоифаси берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома тоифа бериш ҳақида қарор қабул қилинган санадан бошлаб беш йил муддатга берилади ҳамда баҳоловчининг малака сертификати билан бирга амал қилади.

23. Баҳоловчининг малака сертификати амал қилиши муддатининг ту-гаганлиги ёки амал қилиши тўхтатилганлиги ёки бекор қилинганлиги ба-ҳоловчи тоифаси берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхта-тилишига олиб келади.

24. Тоифа берилганлиги ҳақида гувоҳнома берилган баҳоловчининг маълумотлари тоифага эга баҳоловчилар реестрига киритилади. Тоифага эга баҳоловчилар реестрини ваколатли орган юритади.

25. Ваколатли орган комиссиянинг ҳар бир йиғилиши якунларига кўра баҳоловчилар реестрига тегишли маълумотларни киритади.

26. Комиссия томонидан рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, комиссия ваколатли орган номидан талабгорга ёзма ёки электрон кўринишда сўралган тоифани бериш рад этилганлиги сабабларини кўрсат-ган ҳолда хабар беради. Бунда комиссия талабгорга мазкур Маъмурий рег-ламентнинг 4-банди талабларига мувофиқ бўлиши шарти билан сўралаёт-ганидан пастроқ тоифани беришни таклиф қилиши мумкин.

27. Комиссия томонидан талабгорга тоифа беришни рад этиш тўғриси-даги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) талабгор мазкур Маъмурий регламентнинг 4-бандига мувофиқ тои-фа учун белгиланган мажбурий талабларга жавоб бермаса;

б) талабгор тақдим этган ҳужжатлардаги маълумотлар нотўғри ёки бузиб кўрсатилганлиги аниқланса;

в) талабгор ёзма равишда унга сўралаётганидан пастроқ тоифа бери-лишини рад этса;

г) ушбу талабгор малака сертификатининг амал қилиши тўхтатилса ёки бекор қилинса.

28. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали, ҳозир бўлган аъзолар-нинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

29. Комиссия раиси ва комиссия аъзолари овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмаслар. Комиссия раиси энг охирида овоз беради.

Овозлар тенг бўлганда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

30. Комиссия талабгорга сўралган тоифани беришни рад этган тақдир-да, талабгор мазкур Маъмурий регламентга мувофиқ ҳужжатларни қайта тақдим этишга ҳақли.

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Тоифани қайта кўриб чиқиш, баҳоловчига тоифа берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тартиби

31. Ваколатли орган илгари берилган баҳоловчи тоифасини пасайтириш ёки баҳоловчига тоифа берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиботи ташаббусини билдиришга ҳақли.

32. Баҳоловчи тоифасини пасайтириш учун қуйидагилар асос бўлади: қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчининг ҳисоботи ёки эксперт хулосаси ҳаққоний эмас деб тан олинганлиги ҳақида ёзма ахборот келиб тушиши;

баҳоловчининг аризаси.

33. Баҳоловчи тоифаси берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

баҳоловчи малака сертификати амал қилишининг ваколатли орган томонидан тўхтатилгани ёки бекор қилингани;

баҳоловчининг ҳисоботлари ёки эксперт хулосалари бир неча марта қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаққоний эмас деб тан олинishi;

баҳоловчи тоифаси берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши муддати тугаши;

баҳоловчининг аризаси.

34. Баҳоловчига тоифа берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома комиссия қарори билан қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

баҳоловчига тоифа бериш ҳақидаги қарорнинг суд томонидан ноқонуний деб тан олинishi;

баҳоловчига тоифа берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг сохта ҳужжатлардан фойдаланиб олинганлиги аниқланиши.

35. Баҳоловчи тоифасини пасайтириш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш жараёнида ваколатли органдан, баҳолаш ташкилотларидан, баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотларидан ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслардан, баҳоловчи ишининг натижалари ва сифати бўйича ахборот тўпланади ва таҳлил қилинади.

36. Баҳоловчининг амалдаги тоифасига мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғдирувчи маълумотлар аниқланган тақдирда, комиссия баҳоловчига илгари берилган тоифани қайта кўриб чиқади.

37. Баҳоловчини тоифасини қайта кўриб чиқиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш комиссия томонидан баҳоловчи тоифасини бериш юзасидан талабгорнинг аризасини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Тоифаси пасайтирилган ёки тоифа берилганлиги ҳақидаги гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилган баҳоловчи тоифасини тиклаш юзасидан комиссияга тоифаси пасайтирилган ёки баҳоловчи тоифаси берилганлиги ҳақидаги гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатилган санадан бошлаб бир йилдан сўнг мурожаат этишга ҳақли.

39. Тоифа берилганлиги ҳақидаги гувоҳномасининг амал қилиши бекор

қилинган баҳоловчи гувоҳнома бекор қилинганлиги ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч йил ичида қайта тоифа беришни сўраб ариза билан муружаат қилишга ҳақли эмас.

40. Баҳоловчининг тоифаси пасайтирилган, баҳоловчи тоифаси берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилган ёки бекор қилинган тақдирда, ваколатли орган баҳоловчилар реестрига тегишли маълумотларни киритади.

41. Баҳоловчи баҳоловчи тоифаси берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугайдиган санадан бир ой кечиктирмасдан ваколатли органга тоифани кейинги беш йилга тасдиқлашни сўраб ариза беради. Тоифани тасдиқлаш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш тартиби тоифа бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш тартиби билан бир хил.

42. Ваколатли орган томонидан тоифани тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинганда, илгари берилган баҳоловчи тоифасини бериш ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати кейинги беш йилга узайтирилади ва бу ҳақда гувоҳномага тегишли белги қўйилади.

43. Агар баҳоловчи баҳоловчи тоифаси берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаши пайтигача баҳоловчи тоифани тасдиқлаш ҳақида ариза бермаган бўлса, гувоҳнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

44. Комиссиянинг баҳоловчига тоифа беришни рад этиш тўғрисидаги, тоифасини пасайтириш ёхуд тоифа берилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан баҳоловчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

45. Комиссия иши ҳақидаги ахборот, тоифалар берилган, тоифалари пасайтирилган баҳоловчиларнинг, шунингдек, гувоҳномаларининг амал қилиши тўхтатилган ёки бекор қилинган баҳоловчиларнинг рўйхатлари ваколатли органнинг расмий веб-сайтида ҳамда Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси ва Ўзбекистон баҳоловчилар жамиятининг веб-сайтларида мунтазам жойлаштирилади.

46. Комиссия аъзолари баҳоловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги махфий ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

47. Комиссия аъзолари иш давомида ўзларига маълум бўлган талабгорлар ҳақидаги ахборотни фош қилмасликлари лозим.

48. Мазкур Маъмурий регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**723 Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини бос-
қичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдор-
ликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-
да***

Кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилди, кластерларга ажратилган қишлоқ хўжалиги майдонларининг ҳажми экин турлари бўйича пахта-тўқимачиликда 62 фоизни, чорвачиликда 8 фоизни, мева-сабзавотчиликда 7,5 фоизни ташкил этмоқда.

Шунингдек, замонавий ресурс тежайдиган технологияларнинг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан ер, сув ва моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш, етиштирилган хом ашёни қайта ишлаган ҳолда тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолчига етказиб бериш имконини бермоқда.

Натижада жорий йилда бошоқли дон етиштиришда гектаридан ўртача 60 центнердан ҳосил олиниб, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 7 млн тоннадан ортиқни ташкил этди ҳамда давлатга 3 млн 552 минг тонна дон топшири-
либ, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 140 фоизга ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда самарали бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бермаяпти.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини диверсификация қилиш орқали бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш, паррандачилик, чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқага бўлган талабини қондириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг 2020 йил ҳосилидан бошлаб бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари билан чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари ва бошоқли дон маҳсулотларини қайта ишловчи ташкилотлар томонидан бошоқли донни етиштириш ёки шартнома асосида харид қилиш орқали ғаллачилик кластерларини (кейинги ўринларда ғаллачилик кластери

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

деб аталади) босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки, ғаллачилик кластерини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

ғаллачилик кластери ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, бошоқли дон етиштириш ёки уни шартнома асосида сотиб олиш, саралаш, сақлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорга етказиб беришни таъминлайди;

ғаллачилик кластери иқтисодий жihatдан барқарор фаолият юритаётган, зарур инфратузилма объектлари, шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлган, биринчи навбатда, салоҳиятли чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари ва бошоқли дон маҳсулотларини қайта ишловчи ташкилотлар томонидан ташкил этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси талабларига мувофиқ ғаллачилик кластерига ер майдони юридик ва жисмоний шахсларга ажратилмаган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан, захирадаги ерлардан, қайта тикланадиган ҳамда фойдаланишга киритиладиган ер майдонларидан белгиланган тартибда эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ажратилади;

келгуси йил ҳосили учун ғаллачилик кластерини ташкил этиш бўйича таклифлар ҳар йили 1 сентябрга қадар шакллантирилади;

ғаллачилик кластерининг фаолиятини ташкил этиш учун алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши талаб этилмайди, хорижий инвесторлар иштирок этаётган ғаллачилик кластери бундан мустасно;

ғаллачилик кластерига ажратилган ер майдонларидан бир йил мобайнида фойдаланмаслик, тупроқ унумдорлигининг пасайишига, кимёвий ва радиоактив ифлосланишига олиб келувчи усуллардан фойдаланиш ҳамда мазкур қарорда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бекор бўлишига олиб келади.

3. Ғаллачилик кластерини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шундай тартиби белгилансинки, унга мувофиқ:

ер майдонларини фойдаланишга киритган ғаллачилик кластерига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПФ–5742-сон Фармонида;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилганларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 22 августдаги ПҚ–4422-сон қарорида;

қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

4. Белгилансинки:

а) ғаллачилик кластерига ер майдони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ва ташаббускорлар ўртасида ёзма равишда тузиладиган битим асосида Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ажратилади;

б) хорижий инвесторлар иштирок этаётган ғаллачилик кластерига ер майдони Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан тузиладиган инвестиция киритиш тўғрисидаги шартнома имзолангандан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ажратилади.

Бунда ғаллачилик кластерини ташкил этувчи ташаббускор томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ғаллачилик кластерини ташкил этиш бўйича ариза;

юрidik шахс давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;

ғаллачилик кластери фаолиятини ташкил этишда фермер хўжаликларида бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш, ғаллани қуриштириш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан бизнес режа ёки техник-иқтисодий асоснома;

ташаббускорнинг банкдаги пул маблағлари айланмаси тўғрисидаги хизмат кўрсатувчи банк маълумотномасидан кўчирма;

ғаллачилик кластерини фаолият юритиши учун зарур инфратузилма объектлари (шу жумладан, ижара асосида), шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари ғаллачилик кластерларини ташкил этишда иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритаётган, зарур инфратузилма объектлари, шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлган салоҳиятли юридик шахслар танланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, 2020 йил ғалла ҳосилидан бошлаб:

а) ғаллачилик кластери ташаббускорнинг бевосита ўзига берилган ер майдонларида ташкил этилганда:

ғаллачилик кластери томонидан етиштириладиган бошоқли донни давлат хариди учун сотиш бўйича шартнома тузилмайди;

ҳосилдорликни ошириш чораларини кўради ҳамда ҳар бир гектар суғориладиган ер майдонидан камида 70 центнер ҳосилдорликка эришишни таъминлайди;

ўзи етиштирган буғдойнинг камида 50 фоизини қайта ишлаш, шу жумладан озуқа ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали қўшилган қийматни кўпайтиради;

дастлабки 3 йилда 30 фоиз, 5 йилда 50 фоиз бошоқли дон экиладиган майдонларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг депозит маблағлари ҳисобидан ғаллачилик кластерларида бошоқли дон етиштириш харажатларини молиялаштириш учун маҳсулот қийматининг 70 фоизигача бўлган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида (шу жумладан, 2 фоизи банк маржаси) 12 ойгача бўлган муддатга кредитлар ажратилади, хорижий инвесторлар иштирок этаётган ғаллачилик кластери бундан мустасно;

ғаллачилик кластерига ажратилган кредитлар бўйича асосий қарзни қайтариш ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш бошоқли дон қабул қилиб олингандан сўнг йил якунига қадар тўлиқ амалга оширилади;

б) ғаллачилик кластери бошоқли донни фермер хўжаликларидан шартнома бўйича харид қилиш асосида ташкил этилганда:

ғаллачилик кластери билан «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги дон корхоналари ўртасида давлат хариди учун бошоқли дон етказиб бериш бўйича контрактация шартномалари тузилади;

ғаллачилик кластери билан фермер хўжаликлари ўртасида ғаллачилик кластери томонидан давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон миқдорини ҳисобга олган ҳолда қўшимча шартнома тузилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ғаллачилик кластерларига давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон қийматининг 100 фоизи миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилади ва ушбу маблағлар фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади;

ғаллачилик кластери ўз айланма маблағлари ҳисобидан фермер хўжаликларидан қўшимча харид қиладиган бошоқли дон учун маблағ ажратади;

ғаллачилик кластери томонидан қўшимча ажратилган маблағлар, биринчи навбатда, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, механизация хизматлари учун тўловларни амалга оширишга йўналтирилади;

ғаллачилик кластери фермер хўжалиги билан тузилган шартномага мувофиқ давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон ҳажмига нисбатан қўшимча харид қиладиган дон қисми учун маблағ ёки моддий ресурслар ажратмаган тақдирда, ушбу миқдордаги бошоқли дон тўлиқ фермер хўжалиги ихтиёрида қолдирилади;

ғаллачилик кластери фермер хўжалиги билан тузилган шартнома бўйича давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон ҳажмига нисбатан қўшимча харид қилинадиган дон қисмига кам миқдорда маблағ ажратган тақдирда, фермер хўжалиги ажратилган маблағ миқдorigа тенг қийматда бошоқли дон етказиб беради;

ғаллачилик кластери томонидан қўшимча харид қилинадиган бошоқли

дон нархи ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, шартномага мувофиқ бозор баҳосида белгиланади;

ғаллачилик кластери томонидан фермер хўжаликларидан харид қилинадиган бошоқли дон учун якуний ҳисоб-китоблар ҳосил йилининг 1 сентябрига қадар тўлиқ амалга оширилади.

6. Ғаллачилик кластери қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

бошоқли дон ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари томонидан тупроқ унумдорлиги, ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, янги инновацион технологияларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш бора-сидаги билим ва кўникмалар ошириб борилишини таъминлаш;

бошоқли дон ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига маблағларнинг ўз вақтида ва етарли миқдорда ажратилишини ҳамда ҳосилдорликни ошириш учун қўшимча равишда минерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари етказиб берилишини таъминлаш;

ердан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экологияни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш ва ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

бошоқли дон экинлари майдонларида сувни тежайдиган технологиялар босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш;

бошоқли дон маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш.

7. Ғаллачилик кластерига шартнома асосида бошоқли дон етказиб берувчи фермер хўжаликлари томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

бошоқли дон етиштириш учун ғаллачилик кластери томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

ҳосилдорликни ошириш чораларини кўриш ҳамда ҳар бир гектар суғориладиган ер майдонидан камида 70 центнер ҳосилдорликка эришиш;

ғаллачилик кластери билан тузилган шартномада кўрсатилган бошоқли донни белгиланган миқдор, сифатда ва муддатда сотиш.

8. Белгилаб қўйилсинки, бошоқли донни дастлабки қайта ишлаш ғаллачилик кластерининг ўз корхонасида ёки улар томонидан шартнома асосида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги дон маҳсулотлари корхоналарида амалга оширилади.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари активларидан ғаллачилик кластерлари томонидан шартнома асосида фойдаланиш тартибини ва тариф ставкаларини бир ой муддатда ишлаб чиқиб тасдиқласин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясига (А.Д. Вахабов):

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил ҳосилидан ғаллачилик кластерларини ташкил этиш бўйича салоҳиятли ташаббускорларни аниқлаш ҳамда уларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда жойларга чиққан ҳолда, 2020 йил ҳосили учун ғаллачилик кластерларини ташкил этувчи ташаббускорлар билан учрашиб, улар томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури ва тармоқ жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш;

ғаллачилик кластери фаолиятини мониторинг қилиб бориш ҳамда 2020 йил ҳосили якуни билан улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳар йили 1 сентябрга қадар келгуси йил ҳосили учун ғаллачилик кластерларини ташкил этиш бўйича таклифларни тайёрлаш вазифалари юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ҳафта муддатда:

«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан биргаликда ғаллачилик кластери билан «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги дон корхонаси ўртасида тузиладиган контрактация шартномасининг янги намунавий лойиҳасини;

Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда ғаллачилик кластери билан фермер хўжалиги ўртасида бошоқли донни харид қилиш бўйича тузиладиган шартноманинг намунавий лойиҳасини;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан ғаллачилик кластери ўртасида ер майдони ажратиш бўйича тузиладиган битимнинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин ва жойларга етказилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 сентябрь,
806-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**724 Адвокатлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида» 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Адвокатлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 сентябрь,
807-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 сентябрдаги 807-сон қарорига
ИЛОВА

**Адвокатлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ****1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом адвокатлик гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди.

2. Адвокатлик гувоҳномаси адвокат мақомини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

3. Адвокат адвокатлик фаолиятини амалга оширадиган адвокатлик тизимаси давлат рўйхатидан ўтказилган (ҳисобга олинган) жойда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий адлия органлари деб аталади) томонидан адвокатлик гувоҳномаси берилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Адвокатлик гувоҳномаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади ва унинг амал қилиш муддати чекланмайди.

2-боб. Адвокатлик гувоҳномасининг шакли ва уни бериш тартиби

4. Адвокатлик гувоҳномаси мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда берилади.

5. Адвокатлик гувоҳномасини бериш ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Адвокатлик гувоҳномаси (кейинги ўринларда гувоҳнома деб аталади) «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3¹-моддасига мувофиқ адвокат мақомига эга бўлишга талабгор бўлган шахсга (кейинги ўринларда талабгор деб аталади) адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгорнинг фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳудудий адлия органи томонидан олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида берилади.

7. Талабгор унга адвокатлик гувоҳномаси берилган кундан эътиборан адвокат мақомини олади, бу ҳол ҳудудий адлия органи раҳбарининг адвокат мақомини ва адвокатлик гувоҳномасини бериш тўғрисидаги буйруғи билан расмийлаштирилади.

Бу ҳақда ҳудудий адлия органи уч кунлик муддатда берилган гувоҳноманинг реквизитларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасини (кейинги ўринларда ҳудудий бошқарма деб аталади) ёзма равишда хабардор қилади. Шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан адвокат Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг аъзоси бўлади.

Адвокат адвокатлик тузилмасини ташкил қилган ёки бошқа адвокатлик тузилмасига кирган ҳолда, ушбу адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) жойдаги ҳудудий адлия органи томонидан унга янги гувоҳнома берилади.

8. Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ёхуд адвокатлар ҳайъатини ташкил қилган талабгор ва (ёки) адвокат ҳудудий адлия органи томонидан адвокатлик тузилмаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилган куннинг эртасидан кечиктирмай ана шу ҳудудий адлия органига сўнгги 12 ой мобайнида қилинган 3 х 4 см ўлчамида рангли фотосуратидан 2 дондан тақдим этади.

Адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, ҳудудий бошқарма талабгор ва (ёки) адвокат тегишли адвокатлик тузилмасига (адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, юридик маслаҳатхона) кирган куннинг эртасидан кечиктирмай ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхасини, сўнгги 12 ой мобайнида қилинган 3 х 4 см

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўлчамдаги рангли фотосуратдан 2 дондан, шунингдек малака комиссиясининг талабгор томонидан адвокат қасамёдини қабул қилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорининг нусхасини ҳудудий адлия органига тақдим этади.

Гувоҳномани расмийлаштириш ва бериш ҳудудий адлия органи томонидан икки кунлик муддатда амалга оширилади. Гувоҳнома ҳудудий адлия органининг раҳбари томонидан имзоланади.

9. Гувоҳноманинг рақами мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилган гувоҳномалар беришни ҳисобга олиш дафтаридagi тартиб рақамига мос бўлади.

10. Гувоҳноманинг ички томони компьютер техникаси ёрдамида тўлдирилади.

11. Лозим тарзда расмийлаштирилмаган, доғ туширилган ва ёзувлари ўчирилган гувоҳномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

12. Гувоҳномалар бланкаларининг кирими ва чиқими мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклларда ҳисобга олиш дафтарларида қайд этилади.

Ҳисобга олиш дафтарлари тикилган, уларнинг варақлари рақамланган, ҳудудий адлия органининг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши ҳамда ёнмайдиган ёки махсус жиҳозланган шкафларда сақланиши керак.

Расмийлаштирилган адвокатлик гувоҳномаларини беришни ҳисобга олиш дафтари мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ электрон шаклда юритилади. Бунда расмийлаштирилган адвокатлик гувоҳномаларини беришни ҳисобга олиш дафтаридagi тегишли буйруқларнинг реквизитларида буйруқнинг санаси ва рақами кўрсатилиши керак.

13. Гувоҳнома талабгор ёки адвокат томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти) кўрсатилганидан кейин шахсан ўзига берилади.

Агар адвокатга бошқа адвокатлик тузилмаси тузганлиги ёки адвокатлик тузилмасига кирганлиги муносабати билан янги гувоҳнома берилаётган бўлса, у ўзига янги гувоҳнома берилган пайтдан эътиборан амал қилиши тугатилган деб ҳисобланадиган аввал унга берилган гувоҳномани ҳудудий адлия органига қайтариши керак. Агар адвокат қайтарган гувоҳнома аввал бошқа ҳудудий адлия органи томонидан берилган бўлса, ҳудудий адлия органи бу гувоҳномани янги гувоҳноманинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ҳудудий адлия органига юборади.

Гувоҳнома берилаётганда гувоҳноманинг қай даражада тўғри тўлдирилганлиги талабгор ёки адвокатнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти) даги маълумотлар билан солиштирилади. Гувоҳнома талабгор ёки адвокатга гувоҳнома олганлиги тўғрисида тилхат оркали берилади.

14. Адвокатнинг ихтисослиги ўзгарганда, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) қайта расмийлаштирилганда ёки дубликати берилганда адвокат

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лицензияни (лицензия дубликатини) олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига лицензиянинг (лицензия дубликатининг) нусхасини ва сўнги 12 ой мобайнида тушган 3 x 4 см ўлчамдаги рангли фотосуратидан 2 донасини илова қилган ҳолда янги гувоҳнома бериш тўғрисида ариза такдим этиши шарт.

Янги гувоҳномани бериш ҳудудий адлия органи томонидан икки кунлик муддат ичида амалга оширилади. Бунда адвокат янги гувоҳномани олган пайтидан эътиборан амал қилиши тугатилган деб ҳисобланган аввалги гувоҳномани қайтариши керак.

Янги гувоҳнома берилгунга қадар, адвокат адвокатлик фаолиятини аввал берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

Адвокатлик фаолиятини мазкур банднинг биринчи хатбошиси талабларини бузган ҳолда амалга ошириш қонун ҳужжатларига мувофиқ адвокатнинг жавобгарлигига сабаб бўлади.

15. Адвокатнинг аризасига биноан йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига янги гувоҳнома берилиши мумкин.

Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига янги гувоҳнома олиш учун адвокат гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига гувоҳноманинг йўқотилганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги ҳолатларини кўрсатган ҳолда янги гувоҳнома бериш тўғрисида ариза такдим этади.

Гувоҳнома йўқотилганлиги муносабати билан янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага оммавий ахборот воситаларида гувоҳнома йўқотилганлиги ва у ҳақиқий эмас деб топилиши ҳақида хабар эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома илова қилинади.

Йўқотилган гувоҳнома адвокат томонидан оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилинган кундан эътиборан ҳақиқий эмас деб топилади. Бу ҳақда ҳудудий адлия органи суд-тергов органларига маълум қилади.

Ҳудудий адлия органи гувоҳнома йўқотилганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги факти бўйича зарур бўлганда, тегишли ҳудудий бошқармани жалб қилиб, текширув ўтказди, унинг натижалари бўйича адвокат интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Кўрсатилган текширув натижаларига қараб, адвокат мақомини тўхтатиб туриш ва тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, янги гувоҳнома берилади.

Янги гувоҳнома берилган кундан эътиборан яроқсиз ҳолга келган гувоҳноманинг амал қилиши тугатилган деб ҳисобланади.

16. Мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда янги гувоҳнома бериш ҳудудий адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ҳудудий адлия органи янги гувоҳнома берилганлиги тўғрисида уч кунлик муддат ичида берилган гувоҳноманинг реквизитларини кўрсатган ҳолда тегишли ҳудудий бошқармани ёзма шаклда хабардор қилади.

17. Адвокат адвокатлик тузилмасидан чиққанида (адвокат билан меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганда) тегишли адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва ҳудудий бошқарма бу ҳақда

шу куннинг эртасидан кечиктирмай гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига маълум қилиши керак.

Агар адвокатлик тузилмасидан чиқиш адвокатлик фаолиятини давом эттириш учун адвокатлик тузилмаси ташкил этиш ёки бошқа адвокатлик тузилмасига кириш билан боғлиқ бўлмаса, адвокат чиқаётган тегишли адвокатлик тузилмаси ёки ҳудудий бошқарманинг раҳбари ҳудудий адлия органининг кўрсатмасига биноан адвокатдан гувоҳномани олиб қўйиши ва гувоҳнома олиб қўйилган куннинг эртасидан кечиктирмай уни ҳудудий адлия органига қайтариши, айти бир вақтда меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан нусха тақдим этиши керак.

18. Адвокат мақомини тўхтатиб туриш «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда малака комиссияси қарори билан амалга оширилади.

Ушбу қарор асосида тегишли ҳудудий адлия органи раҳбарининг адвокат мақомини тўхтатиб туриш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади, бу эса, гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келади.

Агар адвокат мақомини тўхтатиб туриш лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш оқибати бўлса, буйруқда бир вақтнинг ўзида лицензиянинг амал қилишини ва адвокат мақомини тўхтатиб туриш кўрсатилади. Малака комиссиясининг адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан адвокат мақоми тўхтатилган ҳисобланади.

Ҳудудий адлия органи уч кунлик муддат ичида адвокатнинг гувоҳномасини олиб қўяди, бундан адвокат бедарак йўқолган деб топилган ҳол мустасно ва тегишли ҳудудий бошқармага адвокат мақоми тўхтатилганлиги ёки тугатилганлиги ҳақида хабар беради.

19. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13¹-моддасига мувофиқ адвокат мақоми тўхтатиб турилган шахс адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тугатилганидан кейин уч ой ичида адвокатлик фаолиятига киришиши керак.

Адвокат мақоми тўхтатиб турилган шахс мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат ўтишига камида ўн кун олдин тегишли малака комиссиясига адвокат мақомини тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

Аризага адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Малака комиссияси кўрсатилган муддатда аризани кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Малака комиссиясининг адвокат мақомини тиклаш ҳақидаги қарори асосида ҳудудий адлия органи раҳбарининг адвокат мақомини тиклаш ва гувоҳномани қайтариш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади.

20. Адвокат мақоми «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган ҳолларда лицензиянинг амал қилиши тугатилиши муносабати билан тугатилади. Адвокат мақомини тугатиш тўғрисида ҳудудий адлия органи раҳбарининг буйруғи расмийлаштирилади.

21. Ҳудудий адлия органи тегишли буйруқни чиқарган сана гувоҳнома

берилган, унинг амал қилиши тўхтатиб турилган ва тугатилган сана ҳисобланади.

22. Амал қилиши тугатилган гувоҳномалар, шунингдек мазкур Низомда назарда тутилган ҳолларда ўрнига янги гувоҳномалар берилган гувоҳномалар ҳудудий адлия органлари томонидан йўқ қилиниши ва бу ҳақда далолатнома тузилиши керак. Мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган гувоҳномалар ҳам шундай тартибда йўқ қилинади.

23. Ҳудудий адлия органлари адвокат мақоми тўхтатиб турилганлиги, тикланганлиги ва тугатилганлиги тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 84-моддасига мувофиқ адвокатга гувоҳнома берган ҳудудий адлия органлари гувоҳнома берилган фактлар ҳақида тегишли давлат солиқ хизмати органларига, шунингдек, мазкур гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

24. Адвокат мақоми билан боғлиқ маълумотлар ҳудудий адлия органлари томонидан адвокатларнинг давлат реестрларига киритилади.

Адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

3-боб. Якуний қоидалар

25. Адвокат гувоҳнома сақланиши учун шахсан жавобгардир. Гувоҳномани бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

26. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР
КАРАНТИНИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

725 Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ-4297-сон «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирази.

Бошлиқ

И. ЭРҒАШЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 август,
5-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси
бошлигининг 2019 йил 30 августдаги
5-сон буйруғига
ИЛОВА

**Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш
хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар
фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни
хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш
мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ–4297-сон «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
юқори фитосанитар хавфга эга маҳсулот — экиш, пайвандлаш, қўпайтириш учун мўлжалланган қайта ишланмаган экиш материаллари, хусусан қўчатлар, илдизлар, барглар, қаламчалар, уруғлар, тугунаклар, пиёзбошлар, илдизпоялар ва бошқа экиш учун мўлжалланган ўсимликлар ёки уларнинг қисмлари;

ўрта фитосанитар хавфга эга маҳсулот — истеъмол ёки қайта ишлаш учун мўлжалланган қайта ишланмаган маҳсулот, хусусан истеъмолга мўлжалланган ҳўл мева ва сабзавотлар, шунингдек кесилган гул поялари ва бошқалар;

мутахассис — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) ўсимликлар карантини бўйича мутахассислари ёки у томонидан жалб этилган мазкур соҳа экспертлари;

муружаатчи — хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш мақсадида ўсимликлар карантини бўйича мутахассис юборишни сўраб Инспекцияга муружаат қилган юридик ёки жисмоний шахс.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий мамлакат ҳудудидан юқори ёки ўрта фитосанитар хавфга эга карантин остидаги маҳсулот олиб

кирилиши маълум бўлганда, янги савдо йўналишлари очилганда ёки хорижий мамлакат ҳудудида карантин остидаги маҳсулот билан хавфли зарарли организмлар кириб келиши хавфи мавжуд бўлганда ёхуд юқори ва ўрта фитосанитар ҳолат мавжуд ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар олиб кирилаётганда, мазкур хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш учун мутахассисларни юбориш зарурати вужудга келади.

3. Карантин остидаги маҳсулотни хорижий мамлакат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш мақсадида харид қилиш чоғида, зарур бўлган тақдирда, бу мамлакатлардаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш учун ўсимликлар карантини бўйича мутахассислар юборилиши лозим.

4. Хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш Инспекция мутахассислари томонидан амалга оширилади.

2-боб. Карантин остидаги маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари

5. Олиб кирилиши режалаштирилган юқори ёки ўрта фитосанитар хавфга эга карантин остидаги маҳсулотларнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш мақсадида қуйидаги мезонлар мавжуд бўлганда, мутахассислар хорижий мамлакатга юборилади:

хорижий мамлакат ҳудудидан олиб кирилиши режалаштирилган карантин остидаги маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари кенг тарқалганлиги ҳақида маълумотлар хорижий мамлакатлар карантин хизмати томонидан маълум қилинганда ёки ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро ташкилотлар расмий веб-сайтларида эълон қилинганда;

юқори ёки ўрта фитосанитар хавфга эга карантин остидаги маҳсулотни баҳолаш натижасида маҳсулотнинг фитосанитар хавф даражаси юқори ёки ўрта деб топилганда.

3-боб. Карантин остидаги маҳсулотлар фитосанитар ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш

6. Мурожаатчи Инспекцияга хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассис юборилишини сўраб мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган ариза топширади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

маҳсулотнинг олди-сотди (етказиб бериш) шартномаси нусхалари (агар мавжуд бўлса);

маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш режаси (агар мавжуд бўлса).

Ариза ёзма ёки электрон тарзда берилиши мумкин.

Ёзма тарзда берилган аризага иловалар мавжуд бўлса, иловаларнинг ҳар бир бети тикилган ҳолда биринчи бети мурожаатчининг имзоси билан тасдиқланиши лозим.

7. Агар хорижий мамлакат ҳудудидаги ўсимликлар карантини бўйича ваколатли орган мазкур ҳудуддаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш юзасидан мурожаат қилса, унинг мурожаати ушбу Низомнинг иловасида кўрсатилган шаклда бўлиши талаб этилмайди.

8. Мурожаатчи тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

9. Инспекция ариза келиб тушган санадан бошлаб етти иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатларга асосан хорижий мамлакат ҳудудида маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни юбориш зарурати мавжудлигини қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрганиб чиқади ҳамда ушбу муддат ичида мурожаатчини хабардор қилади.

Инспекция аризани кўриб чиқиш жараёнида хорижий мамлакатнинг ўсимликлар карантини бўйича ваколатли органидан зарур бўлган маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

10. Ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган ҳамда хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш учун мутахассисларни юбориш зарурати мавжудлиги аниқланганда, Инспекция мурожаатчини ёки хорижий мамлакатнинг ваколатли органини хабардор қилади ва хорижий мамлакат ҳудудидаги фитосанитар ҳолатни ўрганиш муддатини келишади.

11. Қуйидаги ҳолларда Инспекция томонидан мурожаатчининг аризаси рад этилади:

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар қайд этилгани ёки тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

олиб келиниши режалаштирилган маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун чеклов (тақиқ) ўрнатилганда;

хорижий мамлакат ҳудудида ўсимликлар карантини объектлари, ўсимликларнинг хавфли зарарли организмлари (ҳашаротлар, касаллик қўзғатувчилари ва бегона ўтлар), келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган ўсимликларнинг ялпи касалликлари ва илгари қайд этилмаган тез тарқалувчи касалликлари мавжудлиги;

маҳсулот олиб келиниши режалаштирилган хорижий мамлакат ҳудудида ушбу маҳсулотда тарқалган ўсимликлар карантини объектлари мавжудлиги ҳақида аниқ маълумотларнинг мавжудлиги.

12. Инспекция мурожаатчини унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда маълум қилиши лозим.

13. Хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш билан боғлиқ барча харажатлар Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами

2730, 2015 йил 19 ноябрь) мувофиқ томонларнинг ўзаро келишувига (шартномага) асосан мурожаатчи ва/ёки хорижий мамлакатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилади.

14. Хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш Инспекция томонидан хорижий мамлакатнинг ваколатли органи билан келишилган ҳолда ва ҳамкорликда амалга оширилади.

Хорижий мамлакатнинг ваколатли органи ҳамкорликда карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганишда иштирок этмаган ҳолатда, Инспекция Хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини мустақил ўрганиши мумкин.

15. Инспекция мутахассислари томонидан хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш жараёнида қуйидаги фитосанитар тадбирлар амалга оширилади:

хорижий мамлакат ҳудудида ўсимликлар карантини хизматини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, бошқарув тизими ва ваколатлари, карантин остидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва уларни истеъмолга яроқлилиги бўйича хулосалар бериш жараёнини аудит қилиш;

хорижий мамлакат ҳудудида мониторинг ўтказиш ва таҳлил қилиш;

махсус саволнома асосида ўрганилаётган ўсимликнинг ривожланиш босқичлари, биоэкологик хусусиятлари, ҳудуднинг тупроқ иқлим шароити, ўсимликлар карантини объектлари, бошқа хавфли зарарли организмлар (зараркунанда ҳашаротлар, касаллик қўзғатувчилари ва бегона ўтлар) ривожланишининг биоэкологик хусусиятлари каби маълумотларни ўрганиш;

ўсимликлар карантини бўйича халқаро фитосанитария стандартларига мувофиқ текширув ва таҳлиллар ўтказиш;

маҳсулот ишлаб чиқариш тизимининг Ўзбекистон Республикасининг фитосанитария талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг (биологик, кимёвий ҳимоя қилиш усуллари, ишлов бериш турлари) амалга оширилиши ва уларнинг самарадорлигини кузатиш;

дала назорати тадбирлари ва назорат тариқасида ўтказилган лаборатория таҳлиллари натижалари ва уларнинг расмийлаштирилган ҳисоботлари мавжудлигини кўриб чиқиш;

фитосанитар сертификатлаштириш тизимини ўрганиш, зарур ҳолларда, маҳсулотлардан намуналарни танлаб олиш.

16. Хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш натижасида мутахассис томонидан ҳисобот тайёрланади ва Инспекцияга тақдим этилади.

17. Хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги маҳсулотнинг фитосанитар ҳолати ўрганилгандан сўнг, Инспекция мутахассис томонидан тақдим этилган ҳисобот асосида қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади:

ўсимликлар карантини объектлари топилган ёки ўрганиш натижасида

республикага карантин объекти кириб келиш хавфи мавжуд деб хулоса қилинганда — маҳсулотни олиб киришни тақиқлаш;

Ўсимликлар карантини объектларидан холи эканлиги аниқланган ҳолда ва ўрганиш натижасида республикага карантин объекти кириб келиш хавфи мавжуд эмас деб хулоса қилинганда — маҳсулотни олиб кириш учун карантин рухсатномасини белгиланган тартибда расмийлаштириб бериш.

18. Карантин остидаги маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-га олиб киришга рухсат бериш ёки олиб киришни тақиқлаш тўғрисидаги хулоса мурожаатчига уч иш кунида юборилади ҳамда мазкур маълумотлар Инспекциянинг расмий веб сайтида жойлаштирилади.

19. Хорижий мамлакат ҳудудидаги фитосанитар ҳолати ўрганилган карантин остидаги маҳсулотлар ўсимликлар карантини чегара пунктлари, ташқи иқтисодий фаолият чегараларида ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда лаборатория экспертизасидан ўтказилади.

20. Хорижий мамлакат ҳудудида ўтказилган ўрганиш якунларига кўра ҳамда маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга рухсат бериш тўғрисидаги хулоса асосида ушбу хорижий мамлакат ҳудуди ва ундаги объектлар (кўчатхона номи) бўйича «Ўзбекистон Республикасига фитосанитар хавфи юқори бўлган карантин остидаги маҳсулотлар олиб кириш мумкин бўлган хорижий мамлакат корхоналари рўйхати» Инспекция томонидан тасдиқланади ва уч иш куни давомида Инспекциянинг расмий веб сайтида жойлаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий мамлакатлардан олиб келинган юқори фитосанитар хавфга эга экиш материаллари экилган майдонларда ўсимликнинг ва у билан яширин тарзда кириб келиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини объекти биологиясидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари томонидан дала назорати мониторинги амалга оширилади.

22. Маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар хорижий мамлакатлардан келтирилган уруғлик ва экиш материаллари экилган майдонларда ўсимликлар карантини объектларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида масъул ходим ажратиши ва бу ҳақда ёзма равишда тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекциясини хабардор этишлари шарт.

Масъул ходим экинлар ва дарахтларни тизимли равишда кузатиб бориши, ўсимликларда ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа номаълум ҳашарот, касаллик белгилари ҳамда бегона ўтлар аниқланган тақдирда эса бу ҳақда тегишли ўсимликлар карантини давлат инспекциясини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини дарҳол хабардор қилиши, шунингдек аниқланган зарарли организмларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши шарт.

4-боб. Якуний қоидалар

23. Мазкур Низом талабларининг бузилиши натижасида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

24. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2019 йил 30 август

Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат
этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу
маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш
мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга
юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва
юбориш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Хорижий мамлакат ҳудудидаги карантин остидаги
маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини ўрганиш мақсадида
мутахассис юборилишини юзасидан
АРИЗА**

(мурожаат этилаётган ташкилот номи)

(мурожаатчининг Ф.И.О. яшаш жойи;
юридик шахснинг номи ва жойлашган ери)

Кўчатхонанинг тўлиқ номи, почта манзили (*ишлаб чиқариш, жўна-
тиш жойлари*) _____

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотни қабул қилиб олувчи-
нинг номи, телефон рақами ва манзили _____

Карантин остидаги маҳсулотни экиш/кўпайтиришни амалга оширади-
ган юридик шахс, ЯТТ, фермер хўжалигининг номи ва манзили _____

Маҳсулот тури, нави ва миқдори _____

Кўзда тутилган Ўзбекистон Республикасига ўтиш чегара пости _____

Божхона расмийлаштириш жойи (1*) _____

Карантин остидаги маҳсулотни етказиб бериш шартномаси/ халқаро савдо контракти (*мавжуд бўлса илова қилинади*)

Карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш режаси (*мақсади*) (2*)
(*мавжуд бўлса илова қилинади/ёки мақсад кўрсатилади*)

(тўлдирилган санаси ва вақти)

1*. Карантин остидаги маҳсулотнинг эркин муомалага чиқаришдан олдинги божхона расмийлаштируви жойи.

2*. Маҳсулот олиб кирилиши режалаштирилаётган ҳажми, муддати ва етказиб бериш жойи, хорижий мамлакатдан маҳсулот юклаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш даври, маҳсулотни республикага экиш жойи (*манзиллар аниқ бўлган ҳолларда кўрсатилади*).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

726 «Акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2712-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2015 йил 10 августдаги 2015-09-сон «Акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2712, 2015 йил 27 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 461-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 сентябрь,
2019-53-сон

Ўзбекистон Республикаси
Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги
2019-53-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар
қўмитасининг фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга» деган сўзлар «2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимадаги «1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга» деган сўзлар «2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

727 «Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2144-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 июлдаги ПҚ-4382-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ҳарбий хизматчиларга (ҳодимларга) ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимларнинг) оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2010 йил 5 августдаги 430-сон «Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2144, 2010 йил 7 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 353-модда);

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 13 мартдаги 213-сон «Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2144-1, 2019 йил

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

8 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 15-сон, 286-модда).

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 сентябрь,
902-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

728 «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 572-сон «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг фаолиятини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 сентябрь,
7-2019-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

Келишилган

*Давлат тест
маркази директори*

М. КАРИМОВ

2019 йил 12 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2019 йил 12 сентябрдаги 7-2019-сон
буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 11 июндаги 1-2015-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2686, 2015 йил 19 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 325-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 3 ноябрдаги 20-2017-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2686-1, 2017 йил 15 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 46-сон, 1139-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 11-2018-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2686-2, 2018 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 28-сон, 385-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**729 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3090-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 17 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **бўйраман:**

1. «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралик, босқичли ва якуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 3090, 2018 йил 28 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 04-04/2-1290-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 84-04-1715-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 20 сентябрдаги 11-мх-сон, 11/ққ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралик, босқичли ва якуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3090, 2018 йил 28 ноябрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув кiritилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

кистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 сентябрь,
421-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**730 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3081-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 17 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқувишга чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 3081, 2018 йил 29 октябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 04-04/2-1290-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 84-04-1715-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 10 сентябрдаги 10-мх-сон, 9/ққ-сон «Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3081, 2018 йил 29 октябрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 сентябрь,
422-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**731 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3152-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 17 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПКҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, дав-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 сентябрда эълон қилинган.

лат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўтиладиган дарс жараёни учун талаб этиладиган хом ашё материаллари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 3152, 2019 йил 15 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 04-04/2-1290-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 84-04-1715-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг 2019 йил 18 мартдаги 3-мх-сон, 15-қ/қ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўтиладиган дарс жараёни учун талаб этиладиган хом ашё материаллари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3152, 2019 йил 15 апрель) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 сентябрь,
423-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

732 Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2541-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 28 ноябрдаги 62-мх, 52, 109-сон қарори (рўйхат рақами 2541, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда) билан тасдиқланган Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 сентябрь,
203-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва саноат вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 4 сентябрь,
16-сон

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 4 сентябрь,
96-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт
ва саноат вазирлиги ва Молия вазирлигининг
2019 йил 4 сентябрдаги 203-мх, 16 ва
96-сон қарорига
ИЛОВА

**Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг
миллий реестри тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «2015 йил 10 апрелдаги 87-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги» деган сўзлар «2018 йил 1 майдаги 318-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 16-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 19-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«барча турдаги солиқлар;».

4. 1-иловада:

«Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 2 ва 3-иловалардан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки билан келишилган.

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

М. АЗИМОВ

2019 йил 4 сентябрь

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. МУСАЕВ

2019 йил 4 сентябрь

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2019 йил 4 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

733 Айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлашти-
риш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги ни-
зомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 351-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюр-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 1997 йил 18 июнда (рўйхат рақами 351, 1997 йил 1 июль) тасдиқланган Айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Директор

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 сентябрь,
2019-55-сон

Ўзбекистон Республикаси
капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги
2019-55-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш ва
муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1.2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Агентлик — Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлан-тириш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари».

2. 3.2-банддаги «Марказга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 3.4, 3.7, 3.8 ва 6.2-бандлардаги «Марказ» деган сўз «Агентлик» де-ган сўз билан алмаштирилсин.

4. 6.3-банддаги «Марказга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 7-иловадан «М.Ў.» деган қисқартмаси чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

734 Фавқулодда ҳолатларда Марказий банкнинг ҳудудий
Бош бошқармалари томонидан банклараро ҳисоб-
китобларни амалга ошириш тартибини ўз кучини йўқотган деб
топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 798-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 24 июлда 447-сон билан тасдиқланган Фавқулодда ҳолатларда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 798, 1999 йил 6 август) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 сентябрь,
22/2-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

735 Фавқулодда вазиятларда банк операцияларини ва
банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тар-
тибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 799-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 24 июлда 448-сон билан тасдиқланган Фавқулодда вазиятларда банк операцияларини ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 799, 1999 йил 6 август) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 сентябрь,
22/3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**736 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-3*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 25 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буйраман:**

1. «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 2736, 2015 йил 1 декабрь) Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 24 сентябрдаги 01/4606-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2015 йил 30 октябрдаги 6-сон, к-8-сон «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2736, 2015 йил 1 декабрь);

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги 6-сон, к-4-сон «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2736-1, 2017 йил 16 ноябрь);

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

2018 йил 12 июндаги 7-сон, К-13-сон «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2736-2, 2018 йил 3 июль).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 сентябрь,
428-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**737 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2604-3*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 25 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 24 сентябрдаги 01/4606-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2014 йил 7 июлдаги к-3-сон, к-3-сон «Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2604, 2014 йил 30 июль);

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2015 йил 12 мартдаги к-3-сон, к-3-сон «Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2604-1, 2015 йил 23 март);

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг 2017 йил 12 декабрдаги К-9-сон, А-2-сон «Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2604-2, 2017 йил 21 декабрь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 сентябрь,
429-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**738 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1177-3*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 25 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буйраман:**

1. «Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (рўйхат рақами 1177-1, 2003 йил 9 август) ҳамда «Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 1177-2, 2004 йил 16 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 7/09/06-19-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 21 июлдаги 3-сон «Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1177-1, 2003 йил 9 август);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 3 февралдаги 3-сон «Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1177-2, 2004 йил 16 февраль).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 сентябрь,
430-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

739 «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисоб-варақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1044-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловаға мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/12-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 24 августдаги 21/12-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/22-сон «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1044, 2001 йил 30 июнь).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 февралдаги 4/4-сон «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1044-1, 2006 йил 21 февраль).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 24 январдаги 2/4-сон «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1044-2, 2013 йил 8 февраль).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

740 Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 9 июль, 27-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/13-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
24 августдаги 21/13-сон қарорига
ИЛОВА

**Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро
муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг
фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги
низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. Қўйидаги мазмундаги 35¹-банд билан тўлдирилсин:

«35¹. Тижорат банкларига:

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар (қарзлар) бериш ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш;

илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш тақиқланади.».

2. Қўйидаги мазмундаги 37¹ ва 37²-бандлар билан тўлдирилсин:

«37¹. Қарз олувчи кредит (қарз) бўйича гаровда турган ўзининг депозитидаги (омонатидаги) маблағларини кредит (қарз) шартномаси даврининг хоҳлаган вақтида депозит (омонатнинг) амал қилиш муддатидан қатъи назар, мазкур кредитни (қарзни) қайтариш учун йўналтириш ҳуқуқига эга.

Бунда, қарз олувчи кредит (қарз) бўйича гаровда турган ўзининг муддатли депозитидаги (омонатидаги) маблағларини шартномада кўрсатилган депозит (омонат) муддати тугагунга қадар кредитни (қарзни) қайтариш учун йўналтирмоқчи бўлса, у бу ҳақда банкни (депозитни) омонатни қайтаришни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим.

37². Қарздордан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни (қарзни) қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисmini қарз олувчининг кредитининг (қарзининг) асосий қарзини сўндиришга йўналтиради ҳамда кредит (қарз) суммасини қайта ҳисоблайди, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.».

3. 3-боб қўйидаги мазмундаги 3 параграф билан тўлдирилсин:

**«3-§. Тижорат банкларининг мижозларга хизмат
кўрсатишда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик
учун санкцияларни қўллаш**

40¹. Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин банклар томонидан ҳисобварақлар очишда сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур турдаги ҳисобварақ очиш учун ортиқча ҳужжатларни

талаб қилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,02 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

40². Банклар томонидан иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун ўз вақтида нақд пул бермаганлик учун мижозларга, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига улар ҳисобварақларида маблағ бўлганида банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

40³. Қонун ҳужжатларида ўрнатилган мижозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно этган ҳолда, банк ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлари банк томонидан бузилган тақдирда, у мижозга кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши шарт.

Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, мижоз банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

40⁴. Мазкур Низомнинг 40² ва 40³-бандларида тижорат банклари учун назарда тутилган санкциялар банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномасида кўрсатилиши шарт.

40⁵. Банклар қуйидаги ҳолларда жарима тўлашдан озод қилинади:

а) форс-мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш;

б) банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;

в) қонунларда белгиланган тартибга банк ёки мижоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганда.

40⁶. Тижорат банкларига нисбатан мазкур параграфда назарда тутилган жарима жазо чораларини қўллаш суд қарорига асосан амалга оширилади. Бунда бу каби низолар юзасидан мижозларнинг ўзлари томонидан судга даъво киритилади.

40⁷. Мазкур Низомнинг 40¹ — 40³-бандларига мувофиқ банк томонидан тўланган жарима суммаси қисман қонунбузарликка йўл қўйган банк (филиали) раҳбари ва бош бухгалтери томонидан қопланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**741 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузури-
даги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга
қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги 304-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2166, 2010 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 499-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 сентябрь,
433-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги
433-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

1. 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«Олий малака комиссияси раиси, унинг ўринбосари ва масъул котиби комиссия таркибидан тайинланади.».
2. 7-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**742 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 525-9*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 27 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. Давлат қисқа муддатли облигациялар бозорида дилерлик вазифаларини бажариш бўйича шартнома тузиш тартибини (рўйхат рақами 525, 1998 йил 9 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 сентябрда эълон қилинган.

нинг 2019 йил 26 сентябрдаги 17-25/455-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1997 йил 4 октябрда 48в-сон билан тасдиқланган Давлат қисқа муддатли облигациялар бозорида дилерлик вазифаларини бажариш бўйича шартнома тузиш тартиби (рўйхат рақами 525, 1998 йил 9 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 20 февралда 48в-1-сон билан тасдиқланган Давлат қисқа муддатли облигациялар бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга оид шартнома тузиш тартибига 1-сонли ўзгартиришлар (рўйхат рақами 525-1, 1999 йил 1 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 20 ноябрда 48в-2-сон билан тасдиқланган Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига 2-сонли ўзгартиришлар (рўйхат рақами 525-2, 2000 йил 11 май);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 29 мартдаги 6/19-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 525-3, 2003 йил 15 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 декабрдаги 48в-4-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажариш бўйича шартномалар тузиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 525-4, 2013 йил 26 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 21 майдаги 48в-5-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 525-5, 2015 йил 1 июнь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 8 октябрдаги 48в-6-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибининг 2.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 525-6, 2015 йил 21 октябрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 48-В-7-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 525-7, 2018 йил 8 январь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 16 апрелдаги 48-В-8-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида

дилерлик вазифаларини бажаришга доир шартномалар тузиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 525-8, 2018 йил 26 апрель).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 сентябрь,
434-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 21 сентябрдан 27 сентябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғининг 2019 йил 30 августдаги 5-сон «Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185.

2. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги 2019-53-сон «Акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2712-1.

3. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 13 сентябрдаги 902-сон «Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2144-2.

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 12 сентябрдаги 7-2019-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-3.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 421-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3090-1.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 422-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3081-1.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 423-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3152-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 203-мх, 16, 96-сон «Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2541-3.

9. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 12 сентябрдаги 2019-55-сон «Айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 351-4.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/2-сон «Фавқулодда ҳолатларда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 798-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/3-сон «Фавқулодда вазиятларда банк операцияларини ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 799-1.

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 428-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736-3.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 429-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2604-3.

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 430-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1177-3.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/12-сон «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликларни учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1044-3.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/13-сон «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3030-2.

17. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 433-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-6.

18. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 27 сентябрдаги 434-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 525-9.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг «Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2144, 2010 йил 7 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2144-1, 2019 йил 8 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 419-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 12 сентябрдаги 7-2019-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 2686, 2015 йил 19 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2686-1, 2017 йил 15 ноябрь), (рўйхат рақами 2686-2, 2018 йил 11 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 420-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралик, босқинчи ва якуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3090, 2018 йил 28 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 421-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг «Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3081, 2018 йил 29 октябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 422-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўтиладиган дарс жараёни учун талаб этиладиган хом ашё материаллари билан таъминлаш

меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3152, 2019 йил 15 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 сентябрдаги 423-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Фавқулодда ҳолатларда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 798, 1999 йил 6 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 24 сентябрдаги 426-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Фавқулодда вазиятларда банк операцияларини ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 799, 1999 йил 6 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 24 сентябрдаги 427-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг «Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2736, 2015 йил 1 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 2736-1, 2017 йил 16 ноябрь), (рўйхат рақами 2736-2, 2018 йил 3 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 428-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

9. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг «Газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2604, 2014 йил 30 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2604-1, 2015 йил 23 март), (рўйхат рақами 2604-2, 2017 йил 21 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 429-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Қурилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1177-1, 2003 йил 9 август), «Қури-

лиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш, қайта таъмирлаш, техник жиҳозлаш, лойиҳалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорлари (рўйхат рақами 1177-2, 2004 йил 16 февраль).

Адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 430-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/22-сон «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1044, 2001 йил 30 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1044-1, 2006 йил 21 февраль), (рўйхат рақами 1044-2, 2013 йил 8 февраль).

Адлия вазирининг 2019 йил 25 сентябрдаги 431-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Давлат қисқа муддатли облигациялар бозорида дилерлик вазифаларини бажариш бўйича шартнома тузиш тартиби (рўйхат рақами 525, 1998 йил 9 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 525-1, 1999 йил 1 апрель), (рўйхат рақами 525-2, 2000 йил 11 май), (рўйхат рақами 525-3, 2003 йил 15 апрель), (рўйхат рақами 525-4, 2013 йил 26 декабрь), (рўйхат рақами 525-5, 2015 йил 1 июнь), (рўйхат рақами 525-6, 2015 йил 21 октябрь), (рўйхат рақами 525-7, 2018 йил 8 январь), (рўйхат рақами 525-8, 2018 йил 26 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 27 сентябрдаги 434-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.